



ХАВАР

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 22 noyabr № 48 (533)

Sotuvda narxi erkin

“Ўзбекистон почтаси” Давлат акциядорлик компанияси 2,7 млн. нафар пенсионерга ҳар ойда 37,9 млрд. сўмдан ортқ микдордаги пенсия пуллари этиказиб бермоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “Ўзбекистон почтаси” ДАК ва акциядорлик жамиятларида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Бироқ пенсия маблағларининг сакланишини таъминлаш борасида қўтилган натижа эришилгани йўқ.

Почта алоқа корхоналари томонидан пенсия тўловларини эгаларига этиказиб беришда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил, 30 августдан 165-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш корхоналарининг пенсия ва нафақаларни тўлаш бўйича йўриқнома”си қондалари кўпол равишда бузилган ҳолда жорий йилнинг 10 ойи давомида 24 ҳолатда 67,0 млн. сўмлик пул маблағларини ўзлаштириш ҳолатлари содир этилган. Бу кўрсаткич вилоятларда, жумладан, “Самарқанд почтаси” АЖ бўйича 9 ҳолатда 48742,2 минг сўм, “Фаргона почтаси” АЖда 6 ҳолатда 12936,6 минг сўм, биттадан ҳолатда “Хоразм почтаси” АЖ бўйича 1193,0 минг сўм, “Сирдарё почтаси” АЖ бўйича 356,5 минг сўм, “Қашқадарё почтаси” АЖда 420,5 минг сўм, “Қорақалпоқ почтаси” АЖ бўйича 1577,6 минг сўм, “Андижон почтаси” АЖ бўйича 254,6 минг сўм ҳамда “Жиззах почтаси” АЖ бўйича 4 ҳолатда 1530,4 минг сўмни ташкил этади. Хар бир ҳолат Агентлик ва “Ўзбекистон почтаси” ДАК мутахассислари томонидан ўрганилиб, айбдор

шахсларга тегишли жазо чоралари қўлланилди.

“Фаргона почтаси” акциядорлик жамиятига қарашли Тошлоқ филиали оператори ва филиалга қарашли бўлган “Содда”, Варзак, Заркон, Қўрғонча ва Ахшак алоқа бўлимлари бошлиқлари томонидан пенсия учун ажратилган маблағдан 12936,5 минг сўм пул

• Танқид

моддасига биноан Янгиарик тумани суди ҳўкми билан ишдан бўшатилди ҳамда унга энг кам иш ҳўқининг 110 баробари микдорда жазима солинди.

“Самарқанд почтаси” акциядорлик жамияти бўйича эса жорий йилнинг 10 ойида 9 ҳолат бўйича 48742,2 минг сўм ўзлаштирилган. “Самарқанд почтаси” акциядорлик жамияти ҳамда Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бoш

бошқармасининг 2002 йил, 8 июлдаги 78/144-а сонли буйруғига асосан Пастдаргом тумани Жума почта алоқа филиали ва унга қарашли бўлган алоқа бўлимларида текширув ўтказилган. Натижада бу бўлимларда жорий йил давомида пенсия ва нафақа пуллари тўлиниши бўйича туман ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг айби билан 14 та алоқа бўлимига 533 дона сохта тўлов топшириқномалари юборилгани ва мавжуд тўлов топшириқномаларига пенсия ҳўжжатидаги суммага нисбатан (275 ҳолатда) асоссиз ўзгартириш қилинганлиги оқибатида 41325,6 минг сўм, почта алоқаси ходимлари айби билан ҳисоботда икки маротаба қўшиб ёзиш ҳисобига (174 ҳолатда) 2784,1 минг сўм, жами 45246,8 минг сўм пул маблағлари ўзлаштирилганини аниқланди.

Шунингдек, прокуратура ходимлари томонидан “Сирдарё почтаси” акциядорлик жамияти Оқ олтин тумани филиалининг “Фаргона” алоқа бўлимида 356,4 минг сўм ўзлаштирилганлиги аниқланган ва жиноий иш қўзғатилиб, ишлар судга оширилган. Хат ташувчи Ш.Жўраева ва алоқа бўлими бошлиғи Г.Га-

(Давоми 2-бетда.)

• ЯНГИЛИК

ФИЛАТЕЛИСТЛАР ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

“Ўзбекистон почтаси” давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан Тошкент шаҳрида “Ўзбекистон филателияси” жамиятини ташкил қилиш бўйича филателистлар анжумани ўтказилди. Унда Республика миқдоридаги ҳамда Тошкент шаҳридаги почта ходимлари ва филателистлар вакиллари иштирок этилди. “Ўзбекистон филателияси” жамияти Устави қабул қилинди ва жамият раиси этиб филателист Э.Ҳамидов сайланди.

“Ўзбекистон филателияси” жамиятини ташкил қилишдан асосий мақсад Республикада почта маркаларини тўловчи кишиларни бирлаштириш, ёш авлод билimini ошириш, она Ватанимиз тарихини улар онгига синдириш, меъморий

ёлгорликларни маркалар орқали ўрганиш ва уларни асраб-авайлаш, дунё филателистлари билан муносабатларни йўлга қўйиш, анжуманларда кўргазмалар билан иштирок этишдир. Жамият ўз фаолияти давомида мактаб ўқувчилари ва ёшлар орасида маркаларда тасвирланган аломатлар, ватанимиз флораси ва фаунаси тўғрисидаги тушунчаларни тарғиб қилади ва уларнинг маркаларга бўлган қизиқишларини уйғотади.

Табдилра Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов қатнашди.

АБЕКТОПОВ,
Почта алоқасини ташкил этиш етакчи мутахассиси

НАЗОРАТ БЎШ БЎЛГАЧ...

ёки халқни эмас, халқумини ўйлаган айрим почтачилар ҳақида

ўзлаштирилган. Ўзлаштирилган пул маблағларининг 8975,2 минг сўми корхона ҳисобидан, 6961,3 минг сўми эса айбдорлар томонидан қопланган. Ушбу алоқа бўлимлари бошлиқлари О.Шокиров, Ф.Солиев, С.Маткаримов, М.Ҳакимов ва Э.Умаровларга нисбатан жазо чоралари қўрилиб, аниқланган ҳолатлар бўйича материаллар прокуратура органларига топширилган. Шунингдек, корхонанинг Тошлоқ филиали бошлиғи В.Охунов акциядорлик жамиятининг 2002 йил, 1 июндаги 59-сонли, бошлиқ ўринбосари Н.Ёқубов 17 июндаги 63-сонли, филиал бош бўхгалтери Т.Мирзахолқов эса 2002 йил, 17 июндаги 64-сонли буйруғига асосан ишдан бўшатилди. Ушбу масала юзасидан бўлиб ўтган “Фаргона почтаси” АЖ Кузатув Кенгаши мажлисида (2002 йил, 2 августдаги 7-сонли баёни) акциядорлик жамияти директори С.Юнусов ҳамда директор ўринбосари Н.Каримовга ҳайфсан эълон қилинди. Директор ўринбосари Я.Мадмаров, почта алоқа хизмати бўлими бошлиғи Ю.Холматовлар эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди.

“Хоразм почтаси” акциядорлик жамияти Янгиарик филиалининг “Бирлашган кўч” бўлими бошлиғи Г.Матёқубова Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 59-

ВАҚТБАЙ ТЎЛОВ – ЧЎНТАККА СИЙЛОВ

Хорижий инвестициялар орқали келтирилган замонавий электрон АТСлардан унумли ва самарали фойдаланиш мақсадида давлат Наманган шаҳридаги иккита ЭАТСда маҳаллий сўзлашувлар учун тўловлар вақтбай усулига ўтказилган эди. Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб шаҳардаги умумий ситими 36 минг рақамли бешта аналогли АТСда ҳам маҳаллий сўзлашувлар учун тўловнинг шу тური жорий этилди.

Яқинда “Наманган Телеком” филиалида “Аналогли АТСларда TIMAN SYSTEM 1 чиқиб алоқасини назорат қилиш аппаратураси ёрдамида тўловнинг вақтбай усулини жорий этилиши” мавзусида электралоқа ходимларининг 4-Республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Информацион технологиялар ва хизматлар бўлими бошлиғи Г.Фофурбекова, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғининг ўринбосари А.Ҳойинов, Фан-техника ва маркетинг талқинловлари маркази директори ўринбосари А.Мирҳабибов, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Бош директорининг биринчи ўринбосари Э.Аллаев, шунингдек, компания корхоналарининг раҳбар ва мутахассислари, Давлат алоқа инспекцияси вилоят бўлимидаги бошлиқлари ва масъул ходимлари иштирок этидилар.

Йиғилишда “Наманган Телеком” филиали директори К.Боқиев филиал фаолияти билан семинар-кенгаш иштирокчиларини таништириб, корхонада “PRENOS” алоқа лойиҳалаш-конструкторлик бюроси мутахассислари билан ҳамкорликда Эстония Республикаси TIMAN INTERPRISES фирмасининг TIMAN SYSTEM 1 чиқиб алоқасини назорат қилиш аппаратураси ўрнатилгани, монтаж ва солаш иш-

лари ҳўжалик усулига бажарилгани, натижада 8,0 млн. сўм иккирилади гапирди. Сўнг “PRENOS” алоқа лойиҳалаш-конструкторлик бюроси директорининг ўринбосари Э.Қўлғел ва Наманган шаҳридаги 3-АТС муҳандиси Р.Рафқовни TIMAN SYSTEM 1 чиқиб алоқасини назорат қилиш аппаратурасининг аниқлиқлари, улар ёрдамида алоқа линиясидаги носозликларни аниқлаш ва назорат қилиш имкониятлари тўғрисида маъруза қилдилар.

Тўловларнинг вақтбай усули аҳолининг ақсарият қисmini ижтимоий жиҳатдан қимоялаш имконини беради. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тўловнинг вақтбай усулига ўтилиши натижасида телефонлар ҳам ойда 180 минутдан кам фойдаланганидан 32,3 фўнз миқозлар ҳар ойда 206 сўмдан маблағни тежаб қолдиради. Мижозларнинг 29 фўнзи эса бир ойда 330 минутдан ортқ гапшамайди, шу боис буларга ҳам тўловнинг мазкур усули ҳеч қандай ортқча харажат келтирмайди.

Маҳаллий сўзлашувлар учун тўловни вақтбай усулига ўтказишдан жорий йилнинг биргина сентябр ойда 8,2 млн. сўм қўшимча даромад олинди. Бундан ташқари барча аналогли АТСларда иккита қўшимча хизмат турини жорий этилиб, фойда олишга эришилмоқда.

Семинар-кенгаш иштирокчилари амалий машғулот пайтида Наманган шаҳридаги 2-АТСда бўлиб, TIMAN SYSTEM 1 аппаратураси, “Интернет-кафе”, билнинг маркази фаолияти ҳамда бизнес-миқозларга яратилган шайорат ва қўлайликлар билан танишилди.

Ш.ПАРПИЕВ,
Наманган вилояти

ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ

Яқинда Туркиянинг Истанбул шаҳрида “Туркийзабон давлатлар билан ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлик Форуми” ўтказилди. Унда Озарбойжон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Грузия, Мўғлистон ва Тожикистон республикаларининг вакиллари иштирок этилди. Форум давра сўхбати шаклида Телекоммуникация, Интернет, Ҳўв (компютер) ва Дастурлаш мав-

зуларида иш олиб борди.

Форумда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Ш.Обидхўжаев, “Ўзбектелеком” АЖ Бош директори Х.Муҳитдинов, Тошкент ахборот технологиялари университети проректори Х.Орипов, Агентлик Дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимларини жорий этилишини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

С.Авганбоев ҳамда Ахборот технологиялари ва хизматлари бўлими етакчи мутахассиси А.Валиевлар иштирок этилди.

Форум давомида бир қатор тақлиф ва келишувлар, ахборотлаштириш соҳасида консалтинг ва эксперт хизматларида ҳамкорлик, ТИА (АТЭ) ишлаб чиқиш, тендер ҳўжжатларини тайёрлаш, кадрлар тайёрлаш, таълим ва илмий ишлар муҳокама қилинди.

Ф.ТЕШАЕВ

МИЖОЗДАН МАКТУБ КЕЛДИ...

“Сурхондарё Телеком” филиалининг Кадрлар бўлими бошлиғи Матлуба Йисмонова “Хайрият, жамоамизга миннатдорчилик билдирилган кунлар ҳам бор экан”, дея мамнун ҳолда бошлиққа қўлидаги хатни тўтқазди. Корхона раҳбари номига яқин вақтга қадар фақат шикоят хатлари келиб турганлиги.

Денов туманининг Тортуйли қишлоғидан йўлланган мактуб “Раҳматнома” деб номланган бўлиб, унда фуқаро Насрулло Холмуродовнинг дил изҳори битилган эди. “Ушбу мактубни узоқинини яқин қилиб, кундалик турмушимизда бизларга қўмақлош бўлиб келатган Денов телекоммуникация боғламаси ходимларига миннатдорчилик сифатида йўлламоқдан, — дейилади мактубда. — Мен гарчи олис қишлоқда яшасамда худди шаҳардагилек сифатида алоқа хизматидан баҳраманд бўлмоқданман. Албатта, бунда Бахтиёр Шой-

мардонов бошлиқ боғламаси жамоасининг, айниқса қишлоқ телефон муҳандиси Арслон Бобоевнинг хизмати бениҳоя каттадир”.

Дарҳақиқат, Термиз ва Денов шаҳарларига хориқликлар билан ҳамкорликда рақамли телефон станцияси ҳўжжати ўрнатилгач, хизмат кўрсатиш сифати тўдан яхшиланди. Бугун мижозлар истоган манзил билан гапшашни имконига эга бўлишган. Шойр Насруллонинг хурсандчилиги ҳам шундан. Илгари у Тошкент шаҳридаги наشريётлар ва Республика радиоси билан гапшашни мақсадида Денов шаҳрига келиб кетарди. Ногирон мижозкор учун бу овозгарчилик қанчалик оғир туволишини тасаввур этиш қийин эмас. Энди ташвишлар ортда қолади.

Н.ЗИЕЕВ,
жамоатчи муҳбиримиз

“ХАВАР”ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

• Обуна — 2003

ҲўРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

2003 йил учун обуна мавсими давом этмоқда. Агар Сиз “Хавар”га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамки янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:

Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.

Ташкилотлар учун — 228.

“Хавар” газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума кўни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилдинг!

Мамакатимиз мустақил бўлагач, барча соҳада бўлагандек алоқа тизмида ҳам чет эллар билан иқтисодий ва сийёсий муносабатлар ўрнатиши, хорж сармояларидан фойдаланиши, халқаро уюшма ва ташкилотларга аҳоли бўлиб кириши ҳамда халқорик қилиш каби давлат аҳамиятида моҳир муаммолари ечиши зарурати туғилди. Мамакатимиз почта алоқаси ҳамда телекоммуникация тармоғини замонавийлаштириши ва қайта қуриши, соҳа миқёсида илгор технологияларни қўллаши, рақамли техникани киритиши, автоматлаштириши ва компютерлаштириши жараёنларини тезлаштириши тақозо этилаётган. Бу жараён ва тадбирларнинг ба- жарилиши эса соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий асосини яратишга боғлиқ эди.

Шундай қилиб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, турли стандартлар яратилганидан, соҳа ривож талаб этидиган долзарб муаммолар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борадиган илмий даргоҳ ташкил қилишга киришилди. 1992 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг "Илмий-текшириш марказини ташкил этиш тўғрисида" ги махсус бўйруғи чиқди ва марказни ташкил қилиш масалалари Вазирлик ҳайъати томонидан етук мутахассис, техника фанлари номзоди, доцент Рихси Исахўжаевич Исаева топширилди. Рихси ака ўша вақтлар "Ўзбектелеком" концернининг маъсул раҳбар ходимларидан бири эди. Узоқ йиллар бўлагач алоқа муҳандисларига сабоқ берган домла, бир вақтнинг ўзида соҳанинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлган алоқа линиялари, хусусан оптик толали алоқа линиялари таркибий элементлари ва уларни ўзига хош хусусиятлари борасида тинимсиз ишлаб, катта илмий-тадқиқот ишларини олиб бори.

Вазирлик ҳайъати топшириғини бажаришга астойдил киришган Рихси ака қанчалик чуқур билим ва тажрибага эга бўлмасин, олинган турган вазифа масъулияти эканлигини сезарди. Негатки, илгари бу ишлар Москвада ба- жарилигани боис, шу пайтгача республикада меъёрий ҳужжат ёки стандарт тайёрлашда етарли даражада тажриба тўпланмаган эди.

Барчасини бошдан бошлашга тўғри келди. Узоқни ва марказ келажагини чуқур ўйлаган домла телекоммуникация воситала-



рини сертифицилаштириш идорасини ҳамда сертифицилаштириш сино марказини очнишга муваффақ бўлди. Бир йил ўтар-ўтмас меъёрий ҳужжатлар, тахририят-нашриёт ва стандартлаштириш бўлимлари ташкил этилди. Хуллас, марказ соҳа ишини жонлантриши жараёнларига ўз хиссасини қўшишга киришди. "Давлат тили тўғрисида" ги қонун қабул қилинган, домла тез орада марказ қўшида "Давлат тилига таржима" бўлимини очиб, мутахассис-ҳодимларга Давлат тилини ўргатиш, ёки калр ва талабаларга инглиз тили, компютердан сабоқ бериш талбирларини бошлаб юборди.

Мамакатимиз Президентининг 1997 йил, 23 июлдаги "Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқарини тақомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармонию муювофиқ Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги негизда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил этилди. Натижда вазирлик Илмий-текшириш маркази Агентлик Фан-техника ва маркетинг талқиқотлари марказига айлантирилди. Бу билан марказ олдига янада масъулият-

МЕЪЁРЛАР МЕЪМОРИ

лироқ вазифалар қўйилди ва иш фаолиятининг асосий йўналишлари белги- берилди. Иши қўлпигига қарамай, домла яна бир масала — соҳа ахборотномаси чиқаришини ҳам йўлга қўйди.

Қисқа вақт ичи- да марказда 60 дан ортқ меъёрий ҳуж- жатлар, тавсиянома- лар ишлаб чиқилиб, тегишли давлат идо- раларига қайл этил- ди ва соҳа иши учун кучга кири-

тилди. Рихси Исахўжаевич соҳа фаоли- ятида метрология таъминотининг қанчалик муҳим аҳамията эга экан- лигини ўз вақтида англаб, бу йўна- лишдаги ишларни жонлантришга киришди. Марказда алоҳида метро- логия бўлими ташкил қилиниб, хо- налар жиҳозланди ва керакли асбо- бусуноқлар билан таъминланди. 1999 йил, февралда эса марказ бошқарув тизимини тақомиллаштириш мақса- дида Агентлик раҳбарияти билан ке- лишган ҳолда Рихси Исахўжаевич марказнинг янги тузилмасини тасди- қлади. Илмий ва илмий-техника

кенгашлари сифат ҳамда таркиб жи- ҳатдан қайта тузилди. Марказда Ба- ҳодар ва маркетинг талқиқотлари, Ах- борот технологиялари ва хизмати, Менежмент ва мониторинг каби янги бўлимлар ташкил қилинишида ҳам домла бош ташаббускор бўлди.

Шунинг қайл этиш керакки, ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида Со- биқ Иттифоқ Алоқа вазирлиги ил- мий кенгашида Рихси Исахўжаевич биринчилардан бўлиб гибрид қуёш- шамол электр энергияси ишлаб чи- қариш тизимини яратиш ҳамда уни алоқа объектиларига тат- биқ қилиш муаммолари тўғрисида тақлиф кири- тди ва ҳозирги кунда асос солади. Айни дамда Рихси ака муювофиқ электр энергия билан таъ- минлаш қийин бўлган алоқа объек- тларида гибрид қуёш-шамол тизи- мини қўллаш дастури устида фаол иш- ланишлар олиб борапти. Шунинг- лек, домланинг ташаббуси билан марказда Электромагнит мослашув- ни текшириш хизмати, Соҳа объек- тлари бўйича кадастр хизмати, Ата- ма ва лугатлар хизмати каби бўлим- лар ташкил этилди.

Президентимизнинг 2002 йил, 30 майда "Компютерлаштиришни янада ривожлантриши ва ахборот- коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида" ги Фармо- нию асосан Ўзбекистон почта ва те- лекоммуникациялар агентлиги Ўзбе- кистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди. Натижда соҳада компютерлаштириш, ах- боротлаштиришнинг илмий тизи- мини шаклантриш, телекоммуни- кацияларни замон талабига мослаб ривожлантриш вазифалари юзага келди. Қўйилган вазифаларнинг ўта масъулиятлигини теран англаган Рихси Исахўжаевич Агентлик раҳ- барияти билан келишиб, марказнинг янги тузилмасини тасдиқлашга эришди. Янги тузилмага муювофиқ марказда Ахборот ресурслари, Дас- тур махсуслотларини ишлаб чиқиш бўлимлари фаолият кўрсата бошла-

ди. Замонавий долзарб масалалар бўйича шуғулланиб келаётган Ах- борот хавфсизлиги бўлимининг мавқеи ва иш дастури ҳар томон- лама кенгайтирилди.

Сўнги йилларда домланинг бевосита раҳбарлигида йилгирмадан ортқ ёш мутахассислар қайта тай- ёрланди, соҳа корхоналари, жум- ладан марказга жалб этилди. Бун- дан ташқари Рихси Исахўжаевич марказда долзарб йўналишларда илмий талқиқот ишлари олиб бо- рилган шогирдларига ҳам раҳбар- лик қилиб келмоқда, халқаро кон- ференция ва симпозиумларда фаол қатнашиб, илмий марказни хорж- да ҳам танитмоқда. Бир сўз билан айтганда соҳага дахлдор бирор-бир воқеа ёки янгилик домланинг назаридан ҳеҳ вақт четда қолмайди.

Рихси Исахўжаевич Агентлик ҳайъати аъзоси, Агентлик Илмий-техника кенгаши раисининг ўрин- босари, "Ўзбектелеком" АК Ку- затув кенгаши аъзоси сифатида со- ҳанинг ҳар томонлама ривожла- нишига қаратилган чора-тадбир- ларни амалга оширишда фаол иш- тирок этиб келади. Домла муно- сиб хизматлари учун Агентликнинг "Моҳир алоқачи" фахрий унвонига ҳамда "Фахрий ёрлик" ларига са- зовор бўлган.

Домла хонадонини ҳақиқий алоқачилар оиласи дейиш муюмкин. Қизи Лобар алоқа иқтисодчиси, фан номзоди, ўғилларидан Хуришд теле- коммуникация муҳандиси, магистр унвонига эга бўлса, Жамшид алоқа иқтисодиёти йўналиши бўйича магистратурада тахсил олган.

Марказ жамоаси Рихси Исахў- жаевични кутлуг 60 ёши билан са- мимий табриқлайди ҳамда у ки- шини мустақам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, масъулиятли ва сер- машаққат ишларида улкан муваф- фақиятлар тилайди.

Ж.САИДУРОДОВ,
Физика-математика
фанлари номзоди, доцент

НАЗОРАТ БЎШ БЎЛАЧ...

(Аввали 1-бетда.)

лиевалар ишдан бўшатилган. Филиал бошлиғи П.Умирова ва бош хисобчи К.Жанохваларга эса иш ҳақидан 30 фоиз миқдорда жарима солинган. "Қашқадарё почтаси" акциядорлик жа- миятига қарашли Қарши шаҳар почта филиалининг 15-сонли алоқа бўлими бош- лиғи вазифасини вақтинча бажарувчи И. Яхшиев томонидан пенсионерларнинг 420,5 минг сўм миқдоридаги пуллари ўзлаштирилган. Мазкур филиалда пен- сия тўловларини ўзлаштириш бўйича аниқланган барча материаллар Қарши ша- ҳар прокуратурасига топширилиб, содир этилган ҳолат бўйича "Қашқадарё почта- си" АЖНинг бўйруғига асосан Қарши ша- ҳар почта филиали директори Р.Жўраев вазифасидан озод этилган ва айбдор И.Яхшиев билан меҳнат шартномаси тўхтатилган.

"Анджон почтаси" акциядорлик жа- миятига қарашли Бўз филиалининг Со- лиммаҳсум алоқа бўлими бошлиғи И.Со- лиев жорий йилнинг август ойида 17 на- фар пенсионернинг тўлов топшириқно- маларида нафақа олинганлиги ҳақида тас- диқловчи имзолари бўлмасида, пулнинг тарқатилганлиги ҳақида нотўғри ҳисобот тузиб, 254,6 минг сўмни чўнтакка урган. Ушбу ҳолат туман прокуратураси то- монидан ўтказилган текширувда аниқлан- ган ва ўзлаштирилган маблағ айбдордан ундирилиб, 2002 йил, 5 сентябр кун 258- сонли қирим ордери билан филиал кас- сасига қирим қилинган ҳамда рўйхат асо- сида пенсионерларга тўланган. И.Солиев билан корхона томонидан тузилган меҳ- нат шартномаси Бўз туман почта алоқа филиалининг 2002 йил, 4 октябрдаги 50- сонли бўйруғига асосан бекор қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси проку- ратураси томонидан ўтказилган текширувда "Қорақалпоқ почтаси" акциядорлик жа- мияти, Беруний филиалига қарашли "Кўк кўз" алоқа бўлими бошлиғи Р.Одамбоев- нинг жорий йилнинг 9 ойи давомида ик- тимой таъминот бўлими томонидан тай- ёрланган 91та иккиламчи сохта тўлов топ- шириқномасини расмийлаштириш орқали 1577,6 минг сўм пенсия маблағини ўзлаш- тиргани фош этилди. Ўзлаштирилган маб- лағ почта ва ижтимоий таъминот ходим- лари томонидан ундириб олинди ҳамда Р.Одамбоев вазифасидан озод қилинди. "Жиззах почтаси" акциядорлик жа- ми-

яти бўйича 4 ҳолатда 1530,4 минг сўм (Жиззах шаҳри 14-алоқа бўлими бошлиғи Б.Мусурмонқулов томонидан 350,0 минг, 19-алоқа бўлими бошлиғи М.Норқулов то- монидан 807,0 минг, Зарбдор-1 филиали бўлим бошлиғи Э.Абдухаликов томонидан 308,0 минг ҳамда Зомин тумани Пешгор алоқа бўлими бошлиғи О.Мирзабеков то- монидан 65,4 минг сўм) миқдоридаги пул маблағи ўзлаштирилган. Умуман олганда қоридаги ҳолатлар бўйича айбдор почта ходимлардан 43 нафари ишдан бўшати- либ, уларга нисбатан тегишли жазо чо- ралари кўрилди.

Тахлиллар шуни кўрсатдики, ушбу қонунбузарликлар асосан жойларда почта алоқаси корхоналарининг маъсул ходим- лари томонидан ўз вазифаларига совуқ- қонлик билан қараганликлари, почта ало- қаси корхоналари ва ижтимоий таъминот бўлимлари ходимлари томонидан меъ- ёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилмас- лиги, пенсионерлар номига сохта тўлов ҳужжатларининг тайёрланиши, банк бўлим- лари томонидан нақд пуллар ўз вақтида жадвалга муювофиқ етказиб берилмаслиги натижасида тўловларнинг ойдан-ойга ўтиб кетиши, почта тарқатувчиларнинг ойлик иш ҳақлари пастлиги ҳамда мавжуд ташқи хавф-хатардан муҳофаза етарли даражада эмаслиги, шунингдек "Ўзбекистон почта- си" ДАК 1998-2001 йиллар давомида ак- циядорлик жамиятлари иш фаолиятлари ус- тидан назоратни сусайтириш юборганлиги натижасида содир бўлган.

Бундан ноҳуш ҳолатларга барҳам бе- риш мақсадида Компания мутахассислари томонидан акциядорлик жамиятларида пен- сия тўловларининг амалда бажарилиши, пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш, иш сифатини ошириш ва мавжуд меъёрий ҳуж- жатларга риоя этилиши назорат қилиб бо- рилмоқда. Айни чоғда таъкидлаш жоизки, айрим раҳбарларнинг нотўғри ҳаракати но- пок ходимларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Қўйилган эгри кадамлар тўғри- ли оилалар, меҳнат жамоалари ва афя- доллар жабр тортишади. Аммо қонун бар- қава баробар, жиноятга жазо муқаррар. Ушбу аччиқ ҳақиқат "Ўзбекистон почтаси" ДАК корхоналари учун сабоқ бўлади деган умиддамиз.

Р.ТУРҒУНОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ДАКнинг
Бош директори ўринбосари,
У.ЙЎЛДОШЕВ,
журналист

АЛОҚАЧИ АВТОТРАНСПОРТЧИЛАР

"Навоий Телеком" филиали автокор- хонасидан ҳар кун ишлаб машиналар йўлга чиқди. Бири телеграммаларни ет- казиб беришга, бири туманлардаги те- лекоммуникацияларни текширгани кета- ди, яна бири оптик толали кабеллар йўлига чиқса, бошқаси шикастланган ка- бел тузатувчиларини иш жойига олиб бо- рад. Хуллас, қирк нафар ҳайдовчининг ўз вазифаси, масъулияти бор.

Автокорхонага 14 йилдирик муҳан- дис-механик Ражаб Бойжонов раҳбарлик қилади. Айрим қийинчиликларга қарамай белгиланган вазифалар муваффақиятли ууддаланмоқда. Техник тайёргарлик да- ражаси 95 фоизни ташкил этипти. Бу эса 40 та автомашинадан 38 таси исталган пайтда йўлга чиқишга шай бўлиб туради деган гап.

— Фаолиятимиз бошланганда битта вагонгагина эга эдик, — дейди Р.Бойжо- нов. — Ўтган йиллар мобайнида аста- секин устахоналар, машиналар учун ай- вонлар, хизмат ва омбор биналарини қурдик. Янги ёниги сақлаш жойи бар- по этдик. Хар бир автомашина учун ёпиқ гаражлар қуришга киришдик.

Автокорхона филиалнинг ёрдамчи цеҳи ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам

автомобилчилар эътибордан четда қолаёт- гани йўқ. Хар йили тўрттача янги машина олинади. Ёқилги ҳам ҳеч қачон тақчил бўлиб қолган эмас. Бу ерда ишлаётган- ларни муболағасиз алоқачи-автотранспорт- чилар дейиш муюмкин.

Шаҳар телефон тармоғи жуда катта, ҳам- масини ўз вақтида кузатиб туриш керак, — дейди филиал директори ўринбосари Са- лоҳиддин Хўжамов. — Бирор кабелда иш- кал чиқдими, Бахтиёр Қуличев зудлик би- лан ўша ерга жўнайд. У киши ўз касбини пухта билади, унинг олдига тушадиган монтер йўқ. Ходимларимиздан яна бири — Орзақул Фафуров эса ўтган йили энг яхши кабелчи номини олган.

Умуман, автокорхона ходимлари тўғри- сида кўп илиқ гапларни айтиш муюмкин. Айниқса, монтер-созловчи Рашид Жўраев, ҳайдовчилар Уктам Шодиев, Таваккал Ҳам- роёв, Розик Содиқов, Тоир Турсуновлар ўз меҳнатлари билан ҳамкасбларига ўрناк бўлмоқдаси. Биз алоқачиларнинг яқин кўмакчиси ҳисобланган бу ҳайдовчиларга йўллари равон, бехатар бўлишини тилай- миз.

Игор ЗАГОСКИН,
Олим ХУЖАЕВ,
Навоий шаҳри

"ELEKTROLOQATA/MINOT" OAJ

акциядорларининг навбатдан ташқари уму- мий йиғилиши 2002 йил, 12 декабр, соат 10⁰⁰да Токент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. "Elektroloqata/minot" OAJни "Ўзбектелеком" AKга қўлиш йўли билан қайтадан ташкил қилиш ҳамда қўлиш ҳақидаги битимни тасдиқлаш.
2. Бошқа масалалар.

ЭЪЛОН!

- Давлат алоқа инспекцияси вилоят бўлима- ларидаги бўш инспекторлик вазифаларига олий маълумотли ва алоқа соҳасида иш стаж 3 йил- дан кам бўлмаган мутахассисларни ишга қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади:
- Навоий вилоятида — 1 ўрин,
- Сирдарё вилоятида — 2 ўрин,
- Қашқадарё вилоятида — 2 ўрин,
- Самарқанд вилоятида — 1 ўрин.
- Танловда иштирок этмоқчи бўлган мутахас- сислар қуйидаги маълумотларни тақдим этиш- лари лозим:
- Таржимаи хол, сўровнома, бир донна сурат.
- Маълумотлар эълон чоп этилгандан кейин бир ой давомида қабул қилинади.
- **Манзилимиз: Токент шаҳри,**
- **А.Толстой кўчаси, 1-А уй.**
- **Телефон: 137-00-54.**

